

Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз!

№ 37-38 (488-489) 2021 йил 11 май, сешанба

IQTIMO'IY-IQTISODIY GAZETA

ЎЗБЕКИСТОН BUNYODKORI



UZBUNYODKOR



t.me/uzbunyodkor



uzbunyodkori@umail.uz

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ ҚАМРОВИ ВА ТЕЗКОРЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА КЎРСАТМАЛАР БЕРИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 10 май куни давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги ислохотлар натижадорлигига оид тақдимот билан танишди.

Давлатимиз раҳбарининг фармони-га мувофиқ, 2018 йил 1 апрелдан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурида Давлат хизматлари агентлиги ташкил этилиб, янги концепция асосида ишлашни бошлаган эди. Утган вақт мобайнида агентлик тизими такомиллашиб, хизмат қамрови кенгайиб борди.

Хусусан, энди иш бошланган пайтда хизмат турлари 37 та эди, бугунги кунда улар 157 тага етган. Аҳолига кунига ўртача 57 мингтадан ортиқ давлат хизматлари кўрсатилмоқда.

Бунинг учун 117 та қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, соҳа ислоҳ қилинди. 70 дан зиёд давлат хизмати соддалаштирилди. Талаб этиладиган ҳужжатлар сони 221 тадан 95 тага, хизмат кўрсатишнинг умумий муддати қарийб 500 кундан 271 кунга қисқартирилди. Буларнинг барчаси аҳолига катта қулайлик яратмоқда.

Худудларда давлат хизматлари марказлари учун 145 та янги бино ва 115 та филиал барпо этилди. Фуқаролик ҳолати далолатномалари архивидаги 60 миллион дона қоғоз шаклидаги маълумотлар тўлиқ рақамлаштирилди.

Шу билан бирга, хизматлар қамрови ва тезкорлигини ошириш учун ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар ҳам бор. Масалан, зарур маълумотлар тўлиқ рақамлаштирилмаганлиги сабабли атиги 11 фоиз хизматлар электрон шаклда кўрсатилмоқда. Ягона интерактив давлат хизматлари порталининг мобиль иловаси орқали 30 турда хизмат кўрсатиш мумкин, холос. Ундан атиги 11 таси интерактив хизматлар. Электрон идентификация тизими ҳамда электрон рақамли имзо билан ишлаш ривожланмаган.

Тақдимотда шу каби муаммолар ва уларнинг ечимлари муҳокама қилинди. Давлатимиз раҳбари соҳани янада ривожлантириш, аҳолига қулайликларни ошириш бўйича устувор вазифаларни белгилаб берди.

Хорижий тажриба асосида, шу йил якунигача давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатиладиган хизматлар сонини 200 тага етказиш вазифаси қўйилди. Барча 716 та давлат хизматини инвентаризация қилиб, уларнинг муддатлари, тўлов миқдорлари, шартлари

ва бошқа талабларини соддалаштириш бўйича кўрсатма берилди.

– Давлат идораларининг халқимизга хизмати одамларни рози қилишнинг асосларидан бири. Қайси қишлоқда, маҳаллада қайси хизматга эҳтиёж борлигига қараб, шунга шароит яратиш керак. Қайси хизматларни арзонлаштириш, қайсыларини бепул қилиш масаласини таҳлил этиб, аҳолига енгиллик ва қулайлик яратиш зарур, – деди Шавкат Мирзиёев.

Идоралараро интеграция даражасини ошириш, бунинг учун давлат хизматларига тўловларнинг 20 фоизини ташкилотларнинг ахборот технологиялари тизимини ривожлантиришга йўналтириш, қоғоз шаклидаги архив ҳужжатларини рақамлаштириш зарурлиги таъкидланди.

Электрон рақамли имзо билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, давлат хизматлари порталининг мобиль иловасини ривожлантириш, ногиронлиги бўлган шахсларга тўловларда чегирма бериш чоралари белгиланди.

ЎЗА.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бугунги кунда маънавий қадриятларимизнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини янада ошириш, буюк аجدодларимизнинг бой илмий-маърифий меросида улуғланган, халқимиз томонидан асрлар давомида эъзозлаб келинаётган инсонпарварлик, шукроналик, бағрикенглик, меҳр-оқибат ва саховат туйғуларини кучайтириш ҳамда муборак Рамазон ҳайитини муносиб нишонлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2021 йилда Рамазон ҳайитининг биринчи куни 13 май – пайшанба кунига тўғри келиши ҳақида қабул қилган қарорини инобатга олиб, мамлакатимизда 2021 йил 13 май Рамазон ҳайити байрами сифатида нишонлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги “2021 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини қўчириш тўғрисида”ги ПФ-6122-сон Фармонида ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги ПФ-6222-сон Фармони билан 2021 йил 14-15 май

кунлари қўшимча дам олиш кунлари сифатида белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Дин ишлари бўйича қўмита, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда Рамазон ҳайитининг қарантин талабларига мувофиқ, халқимизнинг миллий ва диний анъаналарига мос равишда ўтказилиши учун тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри,
2021 йил 10 май

Ислом маърифати – буюк келажак сари

Шоазим МИНОВАРОВ,
Ислом цивилизацияси маркази директори.

Сир эмаски, дунёда мураккаб жараёнлар кечяпти: жаҳолат инсоният тараққиёти учун таҳдидлардан бири бўлиб қолмоқда. Жаҳолат, айниқса, дин соҳасидаги ношуудлик, диний таълимотларни кўр-кўрона талқин қилиш жаҳондаги миллионлаб бегуноҳ одамларга изтироб олиб келгани сир эмас. Шу муносабат билан, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Президентлигининг дастлабки кунларидан бошлаб жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш зарурлигини таъкидлади.

Президентимизнинг ташаббуси билан Ўзбекистонда бир қанча мега лойиҳаларга асос солинди. Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ўзбекистон халқаро ислом академия-

си ана шундай лойиҳалардан ҳисобланади. Вилоятларда калом, ҳадис, фикҳ, ақида илми ва тасаввуфни ўрганишга ихтисослашган бешта илмий мактаб очилди.

Илм ва маърифат дини бўлган ислом Марказий Осиёда жаҳон цивилизациясига бебаҳо ҳисса

қўшган алломаларнинг етишиб чиқишига замин яратди. Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Хоразмий, Фарғоний, Ибн Сино, Беруний, Мирзо Улуғбек каби улуғ зотларнинг бой меросини асраб-авайлаш ва ўрганиш исломнинг моҳияти



бағрикенглик ва маърифат тўғрисидаги таълимот эканини кенг ёйишга хизмат қилади.

4-бет

“Азия металл проф” маҳсулотлари харидоргир

Самарқанд шаҳридаги “Азия металл проф” масъулияти чекланган жамиятида металл ўрамлар ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Умумий қиймати 110,5 миллион АҚШ долларлик мазкур лойиҳа уч босқичда бўлиб, дастлаб металл ўрамидан турли улчамдаги металл қувур ва профиллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Утган йил декабрда якунланган иккинчи босқичда йилга 120 минг тонна турли қалинликдаги рух ва полимер қопламали тунука тайёрлаш ўзлаштирилди.

Жорий йилнинг иккинчи чорагида якунига етказиладиган учинчи босқичда эса пўлат қорешмалардан турли қалинлик ва кенгликдаги ўрамли металл маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Ушбу йўналишда йилга 60 минг тонна металл маҳсулотлари тайёрлаш режалаштирилган. Натижада 400 дан зиёд киши иш билан таъминланади.

Корхона тўла қувват билан ишласа, бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар Европа ва Осиёдаги 17 та давлатга экспорт қилинади.



Суратларда: Самарқанд шаҳридаги “Азия металл проф” масъулияти чекланган жамиятида. Темура МАМАДАМИНОВ (ЎЗА) олган суратлар.

Қонунчиликни билинг

Шаҳарсозлик кодексининг 17-моддаси нима ҳақида?

17-модда. Объектларни қуриш бўйича пудратчилар

Тегишли лицензияга эга бўлган юридик шахслар, шунингдек, жисмоний шахслар объектларни қуриш бўйича пудратчилар (бундан буюн матнда пудратчилар деб юритилади) бўлиши мумкин.

Жисмоний шахслар пудратчилар сифатида:

- икки қаватдан юқори бўлмаган (қоқолини ҳисобга олмаган ҳолда), баландлиги ер юзасидан 12 метрдан ва (ёки) умумий майдони 500 квадрат метрдан ортиқ бўлмаган якка тартибдаги уй-жойларни қуриш;
- мавсумий ишлар ва яйлов чорвачилиги учун вақтинчалик иморатларни, ҳўжалик-маиший биноларини қуриш;
- якка тартибдаги томорқа ер участкалари худудида, шунингдек жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилигини юритиш учун ажратилган ер участкаларида ҳўжалик-маиший иморатларини қуриш;
- томорқа ер участкаларида ва мавжуд муҳандислик тармоқларини ўзгартириш талаб этилмайдиган жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилигини юритиш учун ажратилган ер участкаларини ободонлаштириш;
- умумий майдони 500 квадрат метрдан ортиқ бўлмаган, йўлма-қисмларга ажраладиган конструкциялардан қуриладиган савдо объектлари, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари учун бир қаватли бино ва иншоотларни қуриш;
- иккитадан кўп бўлмаган автомашинага мўлжалланган бокслардан иборат гаражларни қуриш;
- кичик архитектура шакллари қуриш ва худудларни ўраш;
- очиқ спорт майдончалари, йўлаклар қуриш, бино ва иншоотлар атрофига тош ётқизиш;
- реклама ва ахборот объектларини (конструкцияларини) қуриш;
- мулкдорларнинг шахсий фойдаланиши учун мўлжалланган техник жиҳатдан мураккаб бўлмаган иморатларни қуриш бўйича ишларни амалга ошириши мумкин.

Пудратчилар:

- бинолар, иншоотлар ва бошқа объектларнинг янги конструктив ечимларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;
- ишлаб чиқувчи, шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги махсус ваколатли давлат органининг тегишли худудий бўлинимаси ва буюртмачи билан келишган ҳолда шаҳарсозлик ҳужжатларини биноларнинг, иншоотларнинг ва бошқа объектларнинг архитектура-бадий қиёфасини ҳамда конструктив ечимини ёмонлаштирмаган тарзда техник-иқтисодий кўрсаткичларни яхшилайдиган ўзгартиришлар киритиш;
- ишлаб чиқувчидан зарур техник маслаҳатлар олиш ҳуқуқига эга.

Пудратчилар:

- қурилишни тасдиқланган шаҳарсозлик ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириш;
- шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига, шаҳарсозлик ҳужжатларида қабул қилинган ечимларга риоя этиш;
- буюртмачининг техник назоратига оид, ишлаб чиқувчининг муаллифлик назоратига оид қонуний талабларини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги қурилиш соҳасидаги назорат бўйича худудий инспекцияларнинг қонуний талабларини бажариш;
- ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этувчи барча ходимларни меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлиги анжомлари, жамоавий ва якка тартибдаги ҳимоя воситалари билан таъминлаш;
- буюртмачига қурилиши тугалланган объектда бажарилган ишларнинг тасдиқланган шаҳарсозлик ҳужжатлари ҳамда шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги декларацияни (бундан буюн матнда мувофиқлик декларацияси деб юритилади) тақдим этиши шарт.

Пудратчилар қурилишнинг пировард натижалари ва пудрат шартномасида белгиланган мажбуриятларга мувофиқ шартнома нархига риоя этилиши учун жавобгар бўлади. Пудратчилар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ва уларнинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Шу куннинг
гаплари

Самарқанд шаҳрида 1 650 ўринли “Ишга марҳамат” мономаркази очилди. Уни барпо этишга **10,5 млрд** сўм сарфланиб, масканда ёшларга 19 та касб ўргатилади. Узоқдан қатновчиларга ётоқхона ҳам қурилган.

Бухоро вилоятининг Шофиркон туманидаги Кулобод қишлоғида янги мактаб қуриляпти. Вилоят ИИБ ва туман ҳокимлиги томонидан бунёдкорлик ишларига **1,171** млрд сўмдан ортиқроқ маблағ ажратилди.

Анджон, Фарғона, Наманган, Жиззах ва Сирдарё вилоятларидаги 306 та қишлоқда **184 млн** долларлик “Қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш” лойиҳаси амалга оширилмоқда

Жорий йил эркин иқтисодий зоналарда қиймати **1,1 млрд**

долларлик 332 та лойиҳа, кичик саноат зоналарида эса 9,5 трлн сўмлик 1 845 та лойиҳа ишга туширилиши мўлжалланган.

Қорақалпоғистон Республикасида **1 500 МВт** қувватли ийрик шамол электр станцияси қурилади. “ACWA Power”, Ўзбекистон Республикаси Энергетика ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирликлари ўртасида бу лойиҳани амалга ошириш битими имзоланди.

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИДА МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ

йирик инвестициялар ва ишлаб чиқариш қувватларининг ошишига йўл очмоқда

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири.

Махсулотни хориждан импорт қилиш уни импорт шароитида ишлаб чиқаришдан кўра, бир неча баробар қимматга тушади. Бу кўпинча йўл харажатлари, бож тўловлари билан боғлиқ. Шу боис, аҳоли талабига мос арзон ва сифатли махсулотларнинг юртимизда ишлаб чиқарилишини йўлга қўйиш мақсадида сўнгги йилларда маҳаллийлаштиришга кенг йўл очилмоқда.

Йирик инвестициявий лойиҳалар асосида барча ҳудудларда ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этиляпти. Четдан олиб келинадиган аксарият махсулотлар бугун ўзимизда ишлаб чиқарилиб, ҳатто хорижга экспорт қилинмоқда. Бу борада қурилиш материаллари улуши ҳам йилдан-йилга ошиб борапти. Жорий йилда мазкур соҳада 24 триллион сўмлик махсулот ишлаб чиқариш режалаштирилган бўлиб, умумий қиймати 1 миллиард 45 миллион доллар бўлган 793 та лойиҳани ишга тушириш ва бу орқали 20,7 мингта янги иш ўрни яратиш кутилмоқда.

Шу йилнинг 30 апрель кунни Президентимиз раислигида ҳудудларда маҳаллий саноатни ривожлантириш чора-тадбирлари муҳокамаси бўйича ўтказилган видеоселектор йўғилишида сўнгги уч йилда мамлакатимизда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажми 1,5 баравар ошгани, аммо махсулотлар ҳажми ва турлари ҳали ички бозорни тўлиқ қопламаётгани айтилди. Давлатимиз раҳбари бу борада ишларни “ички талабни ўрганиш-импортни таҳлил қилиш-ресурс базасини аниқлаш-янги лойиҳалар ишлаб чиқиш” асосида ташкил этиш зарурлигини таъкидлади.

Қурилиш материаллари саноатида цемент ишлаб чиқариш кўрсаткичи юқори ўринлардан бирини эгаллайди. Бино-иншоот қурилишида кенг фойдаланиладиган цементга аҳолининг ўтган йилги талаби 14,5 миллион тоннани ташкил этган. Бироқ мамлакатимизда шу вақтга қадар талаб даражасида цемент ишлаб чиқарилмагани боис, махсулот импорти амалга ошириб келинган. Жорий йилда эса цементга бўлган талаб 16 миллион тонна бўлиши кутяпти ва бу эҳтиёжни маҳаллийлаштириш ҳисобига тўлиқ қоплаш кўзда тутилмаган.

– Бунинг учун мамлакатимизда етарли замин ҳозирланди, – дейди “Ўзсаноатқурилиш-материаллари” уюшмаси бошқарма бошлиғи Ботир Хожибеков. – Жумладан, 2020 йилда Жиззах, Фарғона ва Тошкент вилоятларида йиллик қуввати 1,8 миллион тоннага тенг 3 та янги цемент ишлаб чиқариш заводи ишга туширилди. 2021-2023 йилларда цемент ишлаб чиқариш бўйича амалга ошириладиган инвес-



тициявий лойиҳаларнинг манзили рўйхатида кўра, Фарғона вилоятида 3 та, Сурхондарёда 3 та, Наманган вилоятида эса 4 та янги цемент заводини барпо этиш режалаштирилган. Хусусан, жорий йил давомида ҳудудларда жами қуввати 8,6 миллион тоннага тенг, умумий лойиҳа қиймати 738,4 миллион доллар бўлган 11 та янги цемент ишлаб чиқариш корхонасини ишга тушириб, йил охирида умумий қувватни 25,3 миллион тоннага етказиш режалаштирилмоқда.

ИННОВАЦИОН САНОАТ КЛАСТЕРИ

Жорий йилнинг январь ойида “Оҳангарон-цемент” АЖ негизида ташкил этилган қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи саноат кластери бу борадаги энг йирик лойиҳалардан бири.

1961 йилда ишга туширилган мазкур корхона фаолиятига бу йил 60 йил тўлади. Ўтган вақт давомида заводнинг цемент ишлаб чиқариш йиллик қуввати 1 миллион 800 минг тоннагача етган. Бироқ бу шиддат билан ривожланаётган иқтисодиёт талаби учун етар-

ли кўрсаткич эмас эди. Корхона имкониятларидан янада самарали фойдаланиш, ундаги ишлаб чиқаришни замонавий технологиялар билан уйғунлаштиришнинг вақти келганди.

Шу мақсадда 2017 йил 15 февраль кунни Тошкентда Россиянинг “Евроцементгруп” АЖ ҳамда “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси ўртасида “Оҳангаронцемент” корхонасида янги завод қуриш бўйича мақсадли баённома имзоланди. Ўша йилнинг 5 апрель санасида эса Президентимизнинг Россия Федерациясига давлат ташифи доирасида саноат қурилиш лойиҳаларини амалга ошириш бўйича ҳам ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Шу тариқа лойиҳа икки томонлама ҳамкорлиқнинг муҳим қисмига айланди.

Германиянинг энг замонавий ва инновацион технологиялари билан жиҳозланган саноат кластери доирасида “қуруқ” усулда йилгига 3 миллион тонна цемент ишлаб чиқариш қувватига эга янги завод, йилгига 100 минг куб метр юқори маркали бетон ва темир-бетон махсулотлари ҳамда йиллик 4 минг тонна қувватга эга оловга бардошли ғишт тайёрлаш линиялари ишга туширилди. Уларни амалга ошириш учун 200 миллион доллар инвестиция маблағлари йўналтирилди.

Вазирликда спорт мусобақаси ўтказилди

Абдуҳамид АБДУРАҲМАНОВ,
Қурилиш вазирлиги
Касаба уюшмаси раиси,
спорт тарғиботчиси.

Аввалроқ Қурилиш вазирлиги тизими ҳодимлари иштирокида кичик спорт турнирлари ўтказиб келинаётгани ҳақида хабар берган эдик. Бу сафар вазирлик ҳодимлари спортнинг шашка тури бўйича ўзаро баҳслашишди.

Айни пайтда ҳодимларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун зарур шароитлар яратиш, моддий рағбатлантириш, оммавий спортни ривожлантириш борасида ўтказилаётган мусобақалар, давра суҳбатларини ташкил этиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди.



Жумладан, футбол, стол тенниси, шахмат-шашка механизми доирасида турли бошқарма ва бўлимларда фаолият олиб бораётган ҳодимлар иштирокида мусобақалар ўтказилди. Айтиш жо-

изки, мазкур кичик турнир ўзаро ҳурмат ва дўстона руҳда кечди. Мусобақада Техник меъёрлаш, янги технологияларни жорий этиш бўлими ходими Жасур Балтаев биринчи ўринни, Ахборот

тизимлари ва рақамли технологиялар бўлими ходими Шухрат Ҳамдамов иккинчи ўринни ва вазирлик бош бухгалтери Анвар Элибаев фахрли учинчи ўринни эгаллади.

(“Янги Ўзбекистон” газетасидан олинди).

Қашқадарёдан дараклар

Кичик саноат зонасида ишлар қизғин

Шухрат НОРМУРОДОВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Тадбиркор, ишбилармон ва ташаббускор ёшларни ишлаб чиқариш корхоналари қуриш ва фаолиятини ташкил этиш мақсадида Қашқадарё вилоятининг Касби тумани Муғлон маҳалласи ҳудудида кичик саноат зонаси ташкил этилган.

21 лотдан иборат ушбу жойда барча зарурий инфраструктурага эга қулай бизнес муҳити яратилиши белгиланган бўлиб, айни пайтда лойиҳа асосида қурилиш ишлари бошланди.

Қурилиш ва объектларни ишга туширишни таъминлаш бўлими масъул, туман ҳокимининг биринчи ўринбосари М. Жўраевнинг айтишича, бу жойдаги қурилаётган корхоналар жорий йил 1 сентябрда ишга туширилади. Ушбу саноат зонасида мебель, пайпоқ, қоғоз, эшик-ром ва ун махсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш кўзда тутилмоқда.

Пахсадан қурилган мактаблар ўрнига янгилари қурилади

Қашқадарё вилоятида 2021 йилги Инвестиция дастури асосида умумтаълим мактабларини реконструкция қилиш, таъмирлаш мақсадида 144,4 млрд сўм маблағ йўналтирилган. Бунда 42 та объект белгиланган бўлиб, шундан 2 та янги мактаб қурилиши, 31 тасида реконструкция ҳамда 9 та мактабда мукаммал таъмирлаш ишлари олиб борилиши белгиланган.

Шунингдек, вилоятдаги умумтаълим мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш учун қў-

шимча ажратилган 100,0 млрд сўм маблағ ҳисобидан 51 та мактабларда ҳам қурилиш ишлари олиб борилади. Шундан, 29 та пахса, хом ғиштдан қурилган ҳамда аҳоли хонадонларида жойлашган мактаб филиаллари ўрнида янги ўқув биноси қурилиши, 15 та навбатчилик коэффициенти энг юқори бўлган мактабларга қўшимча ўқув бинолари қурилиши ва мавжуд биноларни таъмирлаш ишлари амалга оширилиши кутилмоқда.

Ҳозирда мазкур ишлар бўйича бюротмачи – Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги “Ягона бюротмачи хизмати” инжиниринг компаниясида барча объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари давлат экспертизаси кўригига юборилган бўлиб, тез орада қурилиш ишлари бошланади.

Ижтимоий қўллаб-қувватлашда янги амалиёт

Наргизахон ХАЙРУЛЛАЕВА,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси аъзоларининг меҳнатига доир, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, шунингдек, ишчи-ҳодимларнинг оила аъзоларини соғломлаштириб, муносиб меҳнат ва дам олиш шароитларини яратишнинг янги босқичи амалиётга жорий этилди.

Бу борада аниққса, иш берувчи ва ҳодимлар ўртасида молиявий интизомни мустаҳкамлаш, меҳнат муҳофазасини таъминлаш, бандликка кўмаклашиш, иш ҳақларини ўз вақтида олишларини жамоатчилик асосида назорат қилиш

ишларининг амалга оширилаётгани эътиборга молик.

– Ўзбекистон темирйўлчилари касаба уюшмаси фаол жамоат ташкилотларидан бири, – дейди Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси Қутлимурат Собиров. – Кенгаш тизимида бугунги кунда 147 та бошланғич, 3 та бирлашган ҳамда 6 та ҳудудий ташкилотлар мавжуд. Соҳа ҳодимларининг ижтимоий-ҳуқуқий манфаатларини таъминлаш аниқ дастур асосида олиб борилаётгани ўз самарасини бермоқда.

Бугунги кунда темирйўл ва транспорт қурувчилари соҳасида тармоқ келишуви ҳамда жамоа шартномалари 99,1 фоизга қамраб олинган. Тармоқда 7 та спорт иншоотлари, 8 та маданият саройлари ва клублари ҳамда 6 та касаба уюшма кутубхоналари фаолият кўрсатади. Ушбу маданий-маърифий ва спорт

иншоотлари орқали соҳа ҳодимлари ҳамда уларнинг оила аъзолари учун турли спорт мусобақалари, спартакиадалар, қўрик-танловлар мунтазам равишда ўтказилади. Кенгаш тасарруфидаги оромгоҳ ҳамда соғлиқни тиклаш масканларида соҳа ҳодимлари ва уларнинг фарзандлари мунтазам равишда ҳордиқ чиқаришмоқда.

Хотин-қизларнинг муаммоларини ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича долзарб вазифалар изчил бажарилмоқда. Масалан, Хоразм вилоятида “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларни иш билан таъминлаш, уларга кўмаклашиш бўйича кейинги уч ойда кўплаб ижобий ишлар қилинди. Ишчи гуруҳ аъзоларининг ҳар бири берилган топириққа кўра, рўйхатдаги аёллар билан учрашиб, уларнинг яшаш шароитлари ва муаммолари билан атрофчиқа танишиб чиқиб, амалий ёрдам кўрсатиляпти.

чиқариш майдонининг барча бўлинмаларида ўрнатилган 85 та энг янги фильтр тизими эса корхонанинг атроф-муҳитга таъсирини минималлаштиради.

– Янги завод жорий йил бошида ишга туширилди ва биз 12 февраль кунни илк уринишдәёқ юқори сифатга эга 500 маркали портландцемент олишга муваффақ бўлдик, – дейди бош технолог Улугбек Умаралиев. – Бу марказдаги цемент ҳозирги кунда дунё бўйича энг юқори сифатли махсулот ҳисобланади. Ундан кўпинча йирик ижтимоий объектлар, йўл туташмалари, аэродром қопламалари, электр станциялари, атом электростанциялари, турар жой, офис ва савдо бинолари қурилишида фойдаланилади. Бозорларимизда эса одатда цементнинг 350-400 маркалари сотувга чиқарилади. Боиси, юқори сифатли марка хориждан анча қимматга кириб келади. Янги заводимизнинг ишга тушиши эса импорт ўрнини босади ва юртимиздаги айрим темир-бетон корхоналари аллақачон ўзимизнинг цемент маркага ўта бошлади.

Корхонада цемент ишлаб чиқариш қуввати эски линияни ҳам қўшиб ҳисоблаганда, йилгига 4,8 миллион тоннага етказилди. Натижада республика бўйича мавжуд 30 га яқин цемент заводларининг жами қучланиши бугунги кунда 20 миллион тоннани ташкил этмоқда. Бу эса импорт ўрнини тўлиқ қоплаб, аҳоли талабини қондиришга эришиляпти, дегани.

Заводнинг ишга туширилиши қурилиш материаллари билан бир қаторда, зилзилабардош бетон ва темир-бетон махсулотлари, цемент ва металлургия саноати учун оловга бардошли ғишт ҳамда республиканинг тобора ўсиб бораётган қурилиш комплекси учун бошқа замонавий махсулотлар ишлаб чиқаришнинг инновацион технологияларини жорий этишни таъминлайди.

Хомашёни олишдан тортиб, махсулотни қадоқлашгача бўлган жараёнинг бари инновацион кластернинг ўзида бирин-кетинликда амалга оширилади. Илк босқичда ишчилар оҳақтош, соз тупроқ конларидан хомашё қазиб олади. Сўнг замонавий технологиялар ёрдамида хомашёни майдалаш, кукунини пишириш, ундан ҳосил бўлган клинкерни майдалаб, цемент олиш ишлари бир-бирига улашиб кетади. Жараёнларнинг аксарияти усти қалин қопланган ҳайбатли технологияларнинг ичида амалга оширилгани боис, ташқаридан кузатишнинг имкони йўқ. Ишлаб чиқариш кетма-кетлигини электрон бошқарув тизими қаршисидаги ҳодимлар компьютер орқали кўриб, назорат қилиб туради.

Охириги йилларда юртимизда иқтисодиётнинг барча тармоқлари, хусусан, саноат ва ишлаб чиқариш жадаллик билан ривожланаётганига барчамиз гувоҳ бўляпмиз, – дейди Оҳангарон шахар ҳокими Акром Эшонқулов. – Биз ҳам ана шундай натижага эришимиз шарт эди ва “Оҳангаронцемент” корхонаси бунини уддалади. Айни пайтда мазкур завод цемент ишлаб чиқариш саноатининг локомотиви, деб айта оламиз. Боиси, республикада ишлаб чиқарилаётган цементнинг учдан бири шу корхона ҳиссасига тўғри келяпти. Бу ҳудудимиз, қолаверса, мамлакатимиз иқтисодиёти учун катта муваффақият.

Корхона янги линияларининг ишга тушиши аҳолини иш билан таъминлашда ҳам қўл келяпти. Бу ерда шу вақтга қадар 1200 нафар киши меҳнат қилган бўлса, завод ишга тушгач, қўшимча 400 та янги иш ўрни яратилди. Асосан, ҳудуддаги кам таъминланган оилалар аъзолари, ишсиз ёшлар ва аёллар меҳнат қилмоқда.

(“Янги Ўзбекистон” газетасидан олинди).

«O'ZSHANARSOZLIK LITI» давлат унитар корхонаси жамоаси

барча юртдошларимизни, мамлакатимизнинг
янада гуллаб-яшнаши йўлида ўзларининг
муносиб ҳиссаларини қўшаётган бунёдкорларни


Рамазон ҳайити

билан самимий табриклайди.

Жонажон Ватанимиз тинч, меҳнатсевар
халқимизнинг турмуши бундан-да фаровон бўлсин!



Рамазон ҳайити
қутлуғ бўлсин!



ТОШКЕНТ ШАҲАР


Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат
инспекцияси жамоаси

Жонажон халқимизни

Рамазон ҳайити

билан қутлаймиз.

Ҳар бирингизни
хонадонингиздан
тинчлик-тотувлик
аримасин,
оилангизни осудалик
тарк этмасин.



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат
инспекцияси жамоаси

Ободлик қайтди, ўғиллар қайтди, қўшиқлар қайтди МАНАСГА

Тошқул БЕКНАЗАРОВ,
ЎЗА мухбири.

**Барча тирик мавжудот
каби инсон ҳам яшаш учун
кулай жой танлайди. Яшаш
учун қулайлик, даромад
манбаи бўлмаган жойни,
гарчи у туғилиб ўсган макони
бўлса ҳам ташлаб кетади.
Одамларнинг дунё бўйлаб
кўчиб юришининг асосий
сабаби шундан.**

Шуҳрат ҳам бундан олти йил аввал Қирғизистонда яшайдиган танишларининг таклифи билан туғилиб ўсган қишлоғидан чиқиб кетганди. У бу ерга яна қачон қайтишини билмасди. Киндик қони тўкилган, болалиги ўтган жойни ташлаб кетиш ҳар қанча оғир бўлмасин, ишсизлик, кундан-кун оғирлашиб бораётган қишлоқдаги турмуш шунга мажбур қилганди.



Қўлларни ўзлаштиришнинг илк даврида обод манзиллардан бўлган қишлоқда кейинги ярим аср давомида ҳаётинг инфратизим иншоотлари фойдаланиш муддатини ўтаб бўлганди. Уни тузатишга аҳолининг кучи етмас, бунинг устига кейинги 25-30 йилда ҳукумат томонидан бирон ўзгариш қилиниши кўзда тутилмаётгани одамларни умидсизликка тушириб қўйган эди.

Энг ачинарлиси, қишлоқнинг бу инқирозига одамлар ҳам кўникаб қолган, бу қийинчилиكنи тақдирнинг, қисматнинг буюргани сифатида қабул қила бошлаганди. 2-3 километр узоқдан сув ташиб ичиш, ёз бўйи чанг, намгарчилик пайтлари тизза бўйи лой кўчада юришга, ишсизлик туфайли охири кўринмас ночорликка чидамаганлар кўчиб кетаётган эди.

Бу муаммоларни давлатнинг кўмагисиз қилиб бўлмасди. Амалда ҳам шундай бўлди. Манасдаги ахволдан Президентимиз Шавкат Мирзиёев



Жиззах вилояти ҳокими бўлиб ишлаган даврида хабардор бўлган. Боиси, Ўзбекистонда бундай қишлоқлар жуда кўп эди. Шунинг учун Президентликка сайланган “Обод қишлоқ” Давлат дастури ташаббускори бўлиб, уни намуна сифатида амалга оширишни ўзи яхши хабардор бўлган Дўстлик туманидаги Манасдан бошлади.

Республика тарихида қишлоқларни ободонлаштиришда мисли кўрилмаган бу ишнинг довриги мамлакатимиз ташқарисида ҳам кенг тарқалди. Табиийки, бошқа жойларга кўчиб кетганларни бу хабарлар бефарқ қолдирмади.

Шуҳрат ҳам қишлоқдаги янгиликлардан, ҳар кун бўлаётган ишлардан хабардор бўлиб турди. 2018 йил баҳоридаги катта ўзгариш – ҳукуматнинг “Обод қишлоқ” дастури республикада биринчи бўлиб намуна сифатида Манасда – унинг қишлоғида амалга оширилаётганини эшитиб, кўнглига ёруғлик кирди.

“Манасни қайта қуришда республиканинг барча вазирилари жалб қилинди, мингдан зиёд одам ишлаётди, кўчалар асфальтланаётди, ичимлик суви қузури тортилиб, электр узатishi тизими янгиланди...” каби хабарларни эшитиб тезроқ қайтгиси келди. Аммо эндигона ишга киргани, рўзгорининг ками-кўстини тиклаб олиш учун маблағ зарурлиги туфайли бунга имкон тополмади.

Бирок барибир узоқ қолмади. Танишларидан бири “Мана, сенинг қишлоғининг тўғрисида ёзибди” деб берган қирғизча “Ачык сўз” (“Очиқ сўз”) газетасининг 2018 йил 13 сентябрь сонидани “Бекиёс ўзгарган Манас”

сарлавҳали мақолани ўқиб, қайтишга янада шошилди. Болосоғун номидаги Қирғизистон миллий университети доценти Мирсаид Анарбаевнинг газета ярим саҳифасидан кўпрогини эгаллаган мақоласида Манасда амалга оширилган ишлар мароқ билан хикоя қилинганди.



“Манас қишлоғи Ўзбекистоннинг 10 та вилоятини оралаб ўтиб, мамлакатни Эрон, Афғонистон ва Туркманистон билан боғлайдиган улў йўлга яқин жойлашган. Энг муҳими, қишлоққа Президентнинг назари тушди. Уни қўргани атайин узоқлардан ташриф буюрувчиларнинг қадами узилмапти. Истагимиз, Ўзбекистон Республикаси Президенти бошлаган ушбу хайрли ташаббус қанот ёзиб,

бутун мамлакат обод ва фаровон бўлсин”, деб яқунланган мақолани ўқир экан, бу телефонда танишларидан эшитганларига қараганда ҳам катта ва улў иш эканлигини англаб етди.

Унинг қишлоғига қайтиш истаги қатъий қарорга айланди. Оиласини олиб қишлоққа қайтгач, бу ерда уни бутунлай янги Манас кутиб олди. У ўзгаришлардан ҳайратга тушди.

– Қишлоғимиз 45 кунда қайта қурилганлигини айтишганда менинг ҳайратим яна ошди, – дейди Шуҳрат Мамирзаев. – Ўзимнинг қишлоғим энди орзуимдаги обод, яшаш учун қулай жойга айланганди. Болалар учун замонавий боғча, мактаб бор, уйда чироқ, ўчоқда газ ўчмайди. Кўчалар асфальт, уйлар шинам.

“Обод қишлоқ” дастури асосида қайта қурилгандан сўнг Манасга яна кўчиб келган биргина у эмас. Ноиложликдан бошқа жойларга кўчиб кетган Зафар Дўстбеков, Тўхтабой Худоёров, Қўрбон Мустафоевнинг оиласи ҳам қадрдон қишлоқларига қайтиб келди.

– Аммо амалга оширилган ишлар натижасида фақат қишлоқ эмас, одамларнинг қарашлари ҳам ўзгарди, бу жуда муҳим, – дейди “Манас”

лаётган ишлар ҳам кўрсатиб турибди. Қишлоқда 412 нафар ёшнинг ҳар бирига 50 сотихдан ер берилди. Ер олиб, ўз ишини бошлаганларнинг ярмини хориждан қайтган меҳнат мигрантлари ташкил этади.

Қишлоқдаги “Манас чеварлари” тикувчилик корхонаси қувватини ошириш ҳисобига иш ўринлари икки бараварга кўпайтирилиб, 160 тага етказилмоқда. Кам таъминланган 20 та оиллага сигир сотиб олиш учун имтиёзли кредитлар ажратилди. 30 та оиллага боқиши учун бепул парранда берилди. 76 нафар хотин-қизга тикув машиналари берилиб, бандлиги таъминланди.

Орадан чорак аср ўтиб “Манас” қишлоқ маданият саройида яна кўшиқ-куйлар эшитилаяпти. Қишлоқнинг қайта ташкил этилган “Маржон” бадий ҳаваскорлик жамоаси халқ фольклор ансамбли номини олишга муваффақ бўлди.

Манас қишлоғида орттирилган тажриба вилоятнинг барча туманларида давом эттирилмоқда.

“Обод қишлоқ” дастури доирасида ўтган икки йилда 12 та тумандаги 69 та қишлоқнинг 326 минг 468 нафар аҳолисига қулай шарт-шароитлар яратилди.

Жорий йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишдан орқада қолган 244 та қишлоқ ва 31 та маҳалладаги муаммоларни ҳал этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилади. Бу қишлоқларда ичимлик суви ва электр тармоқлари, ички йўллар, ижтимоий объектлар қуриш, таъмирлаш учун 1 триллион 187 миллиард сўм ажратилиши белгиланган.

Шунингдек, 214 та қишлоқ ва маҳаллалардаги 501 километрдан ортиқ ички йўлларни таъмирлашга 142 миллиард 900 миллион сўм, 40 та маҳаллага 230,4 километрдан ортиқ ичимлик суви тармоғи тортиш учун 84 миллиард 400 миллион сўм ажратилиши режалаштирилган.

Шунингдек, 198 та қишлоқ ва маҳаллада 1 минг 95 километрдан зиёд электр узатиш тармоқлари ҳамда 292 та трансформаторни янгилаш белгиланмоқда. Мазкур чора-тадбирларга қарийб 129 миллиард 200 миллион сўм йўналтирилаётди.

Бу ишлар ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий муҳит яхшиланиши, одамларнинг дунёқарши ўзгариши, эртанги кунга ишончи мустаҳкамлаши, пировард натижада мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасининг обод бўлишига олиб келади.

ОСМОНЎПАР БИНОГА САЁҲАТ

Райҳона ХЎЖАЕВА,
“O‘zbekiston bunyodkori”
мухбири.

– Самарқанддай жойдан келиб, Тошкент Ситини кўрмай кетсам, армонда қоламан-ку! – чиндан хафа бўлишга чоғланди меҳмон.

– Яхшиси, театрга борсак-чи, баҳонада актёрларни ҳаққийқисини кўрадингиз...

– Театрингни телевизордан кўрсам ҳам бўлаверади, аммо пойтахтга борсам, Ситига кирман деб ҳамқишлоқларга мақтаниб қўйгандим. Энди бормасам бўлмас.

Хуллас, меҳмоннинг ҳаққи-хўрмати Сити саёҳатида отландик.

Йўл-йўлакай меҳмонни Тошкентнинг янги қурилган бинолари, қўркам боғлариго ўзгалмасканлари билан таништирдим.

Пойтахтдаги кўнлик сайримизни эл қатори “Hilton” меҳмонхонасини, сўнгра боғ ва мусиқа-ли фавворани томоша қилиш билан давом эттирдик. Бу ер ҳар доимдаги юртдошларимиз билан гавжум. Кимдир оилавий сайр қилаётган бўлса, бошқаси қишлоқдан келган меҳмон билан саёҳатга чиққан. Бир сидра айланган, нафас ростлаш учун ўриндиққа чўқдик.

– Ҳақиқатан ҳам чиройли, – дея таассуротларини ўртоқлашди меҳмон. Фақат ҳаммасини кўролмаганим чатоқ бўлди-да. Тўлиқ битгандан кейин яна келсам, саёҳатга олиб чиқасан-а, қизим?

– Ҳўп, холажон.

– Анави баланд бино ҳам Тошкент Ситига тегишлими?

– Бу Ўзбекистондаги энг баланд бино. Нақд 51 қават бўлади, – дея узоқдан кўзга яққол кўри-ниб турган “Nest One” мажмуасига ишора қилдим.

– Эҳ-ҳе, тепага қарасанг, дўпингнги тушиб кетади деб шундай баланд биноларга айтса керак-да.

Тўғриси, ушбу мажмуа қурилиши ҳақида ўзим ҳам тўлиқ маълумотга эга эмасман. Аммо меҳмонга буни қандай айтаман.



Яхшиси, саёҳатимизни “Nest One” да давом эттирсак-чи, деган фикрдан қувониб кетдим.

Тўрт томонда ҳам қурилиш. Ҳар бири ўзига хос кўринишга, дизайн ва архитектурага эга замонавий бинолар. Бунёдкорлик ишларини томоша қилиб, осмонўпар бино пойгага етиб келдик. Яқиндан қараса, бино янада салобатли ва муҳташам бўлиб кўринаркан. Меҳмон айтгандай, агар бошимда дўппим бўлганида аллақачон тушиб кетарди.

Тошкент Сити лойиҳаси доирасида “Murad Buildings” ва Туркиянинг “Özgüven” халқаро қурилиш компаниялари ҳамкорлигида қурилаётган “Nest One” биносига саёҳатимиз шундай бошланди. У ерда бизни қурилиш участкаси раҳбари Меҳмет Ал нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёдаги энг баланд бионинг қурилиш жараёни билан таништирди.

Меҳмет Алнинг айтишича, кўптармоқли мажмуа қурилиши 2019 йилда бошланган бўлиб, режага кўра, кейинги йилнинг ёз ой-ларида битказилар экан. Унинг таркибига меҳмонхоналар, савдо марказлари, кўнгилочлар масканлар ва 10 мингга яқин 1 дан 7 хонагача бўлган квартиралар

ўрин олган. Мажмуа жойлашган умумий ҳудуд 17 500 квадрат метр бўлиб, шундан “Nest One” 12 минг квадрат метрни эгаллаб турибди. 247 метр баландликда қурилиши кутиляётган бионинг айни пайтда 31-қавати қад рост-ламақода.

“Özgüven” Туркияда 20 йилдан буён қурилиш билан шуғулланиб келаётган йирик компаниядир. Туркиядан ташқари, Жазоир, Қозоғистон каби давлатларда бунёдкорлик ишларини олиб борган. Ўзбекистонда эса тўрт йилдан буён турли бинолар қуриш билан шуғулланмоқда. Хусусан, “Modern Sergeli” турар жой мажмуаси ва бошқа кўп-лаб қўркам бинолар шу компания “маҳсулот”и.

“Nest One” комплекси 5 блокдан иборат. Биринчи блок 51 қават бўлиб, 1-қавати тўлиқ дўкон ва савдо мажмуаларидан иборат. 7 қаватли иккита блок эса офислар учун мўлжалланмоқда. Яна икки блок 21 ва 23 қават тарзда қад ростлаб, офис ва турар жой биноси бўлиши режалаштирилган. Барча бинолар остида 4 қаватли замонавий автотураргоҳ қурилмоқда.

– Мажмуа қурилишида энг сифатли ва замонавий қурилиш

материалларидан фойдаланяпмиз, – дейди Меҳмет Ал. – Масалан, бинолар пойдевори учун ишлатиладиган А-500С маркали мустаҳкам арматура Россиядан келтирилади. 500 маркали цемент Қозоғистондан, бетон плиталар Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган. Эшик-роғларнинг ташқи фасади, яъни, витражлар Белгиядан, стеклопакет ойналар Россиядан олиб келинади. Яна бир муҳим жиҳати, 51 қаватли бино пойдевори учун 30 метр чуқур қазилиб, 100 донга энг мустаҳкам темир-бетон қозикдан фойдаландик. Бу Ўзбекистонда илк маротаба бизнинг компания томонидан қўлланилаётган усулдир. Қолаверса, бино қурилишида ўзбекона урф-одатлар, миллий архитектура услублари ҳам инобатга олинган. Бинода қаравот (тапчан) қўйиш учун махсус жойлар ҳам бўлади.

Умумий фойдаланиладиган жойлар – коридор, зина, зал ва кириш қисмлари тўлиқ, турар жойлар эса таъмирсиз ҳолатда эгаларига топширилади. Айни пайтда 3 та блокда 1000 га яқин ишчи меҳнат қилмоқда. Мажмуа ташқи ҳовлиси ва йўлаклар мармар билан қопланиб, атроф кўкаламзорлаштирилади.

Инновацион элементлардан фойдаланган ҳолда қурилаётган “Nest One”нинг барча конструкциявий ҳисоб-китоблари, жумладан, ер силкинишига чидамлилиги синовдан ўтказилган. Бу тажриба Истанбул университетида ўтказилиб, 9 балли зилзилага бардош бера олиши аниқланган. Шунингдек, шамол йўналиши ҳам алоҳида ҳисобга олинган бўлиб, бу бўйича синовлар Германияда ўтказилган. Ёнгинг хавфсизлиги талаблари ҳам пухта ўйланган. Тизим шундай ишлаб чиқилганки, бунда одамларни эвакуация қилиш ва ёнгини ўчириш ҳаракати бир пайтда амалга оширилади...

Хуллас, осмонўпар бино ҳақида эшитганларимиз ҳозирча шулар. Меҳмон билан само сари бўйи чўзаётган мажмуа тўлиқ бит-га, яна бир бор саёҳат қилишга келишиб олдик.

Нурафшон шахрида замонавий автошоҳбекат иш бошлади



Абдулазиз МУСАЕВ,
ЎЗА мухбири.

**Тошкент вилоятининг транспорт
инфраутилизациони тубдан
такомиллаштириши мақсадида
йирик лойиҳалар амалга
оширилмоқда. Хусусан, Нурафшон
шаҳрида замонавий Нурафшон
автошоҳбекати фойдаланишга
топирилди.**

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда Тошкент вилояти ҳокими Даврон Ҳидоят, Нурафшон шаҳар ҳокими Музаффар Салиев, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳудуд феоллари, нурунийлар, соҳа мутахассислари ва журналистлар иштирок этди.

Сўнгги йилларда Нурафшон шаҳри улкан бунёдкорлик марказига айланди. Янги қурилган автошоҳбекат ҳам халқимиз учун самарали хизмат қилиши алоҳида таъкидланди.

Автошоҳбекат салкам 1 гектарга яқин майдонни эгаллаган. Янги иншоот “Давр-Транс-Плюс” масъулияти чекланган жамияти томонидан қурилди. Бинолардаги маъмурият, таъсисчилар учун алоҳида хоналар, она-бола хонаси, ошхона, икки йўлакки касса-чиптахоналари, ҳайдовчилар учун дам олиш хонасида барча шароитлар яратилган. Бино атрофини назорат қилувчи 6 та кузатув камераси ўрнатилган.

– Ўтган вақт давомида ҳудуд ободонлаштирилиб, тадбиркорлик субъектлари ҳам жойлаштирилмоқда, – дейди Тошкент вилояти транспорт бошқармаси бошлиғи Садриддин Шоқосимов. – Бекат ҳудудида икки қаватли замонавий савдо шохобчалар

ри қад кўтарди. Аниқроғи, Нурафшон шаҳри марказидаги аввалги эски савдо нуқталари янги майдондан жой олади. Муҳими, транспортлар кириб-чиқиши, тўхтаб туриши учун махсус йўлақлар ажратилган. Эндиликда “Юлдуз-С.Х” хусусий корхонаси томонидан катта ҳажмдаги автобуслар тижорат банкининг кредити ҳисобига тўғридан-тўғри Хитой давлатидан олиб келинди. “Давр-Транс-Сервис” МЧЖнинг “Газель” русумли микроавтобуслари, “Давр-Транс-Плюс” МЧЖнинг “Исузу” русумли автобуслари бугундан бошлаб марказий шоҳбекатдан ҳаракатланади.

Хусусан, Тошкент вилояти транспорт бошқармасининг ҳаракат жадалига мувофиқ “Нурафшон – Қўйлик-591”, “Нурафшон – Алимкент-345”, “Бурғалик – Қўйлик-423”, “Нурафшон – Қайтмас-437” қатнов йўналишлари, “Нурафшон – Қўйлик – Чирчиқ-522” йўналишида қатнаётган “Алихан-Транс” автобуслари юради. Шунингдек, Нурафшон ҳудуди бўйлаб ҳаракатланувчи барча транспорт воситалари янги автошоҳбекат орқали йўловчиларга хизмат кўрсатиши бошлайди.

Таъкидлаш ўринлики, “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат” лойиҳаси асосида юртимизнинг Самарқанд, Бухоро, Хоразм каби сайёҳлик ҳудудларига ҳам Тошкент вилояти аҳолиси Нурафшон шаҳридан бориб-қелишлари учун автошоҳбекатда барча имкониятлар мавжуд. Хусусан, 53 ўриндиқли энг замонавий қўлайликларга эга бўлган катта ҳажмдаги автобуслар йўловчилар ихтиёрида бўлади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, навбатдаги йирик лойиҳалардан бири бу вилоят маркази Нурафшонни барча туман ва шаҳар марказлари билан боғлашдан иборат. Бу борадаги ишлар ҳам жадаллик билан давом эттирилмоқда. Бунинг учун янги автошоҳбекат таянч нуқта бўлиб хизмат қилади.

ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН: БУРУН ВА БУГУН

Исमत ХУДОЁРОВ,
ЎЗА мухбири.

Бу йил мустақиллигимизнинг 30 йиллигини нишонлаймиз. Ўтган тарихий даврда мамлакатимиз мустақиллигини мустақамлаш, иқтисодиётимизни ривожлантириш, фан ва таълим, маданият, ижтимоий ҳаётимизни юксалтириш, турмуш шароитимизни яхшилаш каби кўплаб йўналишларда олиб борилган ислохотларда бевосита иштирок этаямиз, унга гувоҳ бўлаямиз.

Бундай тарихий эврилишлар ўз-ўзича содир бўлмайди: асрлар, минг йилликлар давомида етилади, пишади. Айрим элу элатлар унга жангу жадал, қон билан эришган бўлса, айримлари тарихий шарт-шароит тақозоси ила қўлга киритади. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам уни оёққа турғизиш, хавф-хатар, таҳдидлардан химоя қилиш, мустамаккачилик асратларидан қутулиш осон кечмаган. Башариёт тарихи, ҳатто, эришилган бу имконият кўп ўтмай бой берилганига ҳам гувоҳ бўлган. Айрим элу элатлар оёққа турғунича қонлар тўккан, ички урушлар содир бўлган, парокандаликка юз тутган. Бунга далил қидириш учун минг йилликлар қаърига шўнғиш, солномаларни титкилаш шарт эмас, аксинча, яқин ўтмишга, ён-веримизга назар солиш kifoya.

Ўзбекистон ана шундай мураккаб йўлдан жиддий талафотларсиз ўта олди. Миллатимиз давлат қўрганини, теран тарихий илдиэлари мавжудлигини намоён этди.

Ўзбекистон янгича муносабатлар йўлига кирди. У бугун янгиланмоқда, янгилашиш жараёнини бошдан кечирмоқда. Мамлакат миқёсидagi ciсий, иқтисодий ва ижтимоий муваффақиятлар халқаро миқёсда ҳам эътироф этилмоқда. Энг муҳими, халқимиз бу ўзгаришларга гувоҳ бўлиб қўллаб-қувватламоқда, ислохотларда иштирок этаяпти. Шу боис уни “Янги Ўзбекистон”, деб атаямиз.

4 ЙИЛДА 150 ДАН ЗИЁД ҚОНУН, 2 МИНГТА ЯҚИН ФАРМОН ВА ҚАРОР

90-йилларнинг боши эди. Вазирлар Маҳкамасида ишлайдиган танишим Европадан сафардан қайтди. Кўнғироқлашиб учрашадиган бўлдик.

Унинг айтишича, қўнға қитъада ҳар бир қонун, қарор ёки дастур имзоланишидан аввал қанча маблағ талаб этиши миридан-сиригача ўрганилар, молиявий манбалари топилганидан сўнг қабул қилинар, қонунчилик ҳужжатлари ана шундан сўнг ўлда-жўлда қолиб кетмас, бажарилиши тўлиқ кафолатланар экан.

“Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” Давлат дастурини кўриб, ана шу воқеани эсладим. Давлат дастури бу гал тамомила янгича шакл-шамойил, янгича мезонларга мувофиқ тайёрланди: унинг аниқ нархи, қиймати бор – қарийб 30 триллион сўм, 2 миллиард 600 миллион доллар ва 57 миллион евродан зиёд. Унинг ҳар бир банди (273 банддан иборат) аниқ ҳисоб-китоб қилинган. Яъни қайси чора-тадбир қаерда, қанча ҳажмда бажарилади, унга қанча маблағ сарфланади, деган саволга жавоб бор. Унинг ижро механизмлари кўрсатиб берилган, чора-тадбирлар бажарилмаган тақдирда жазо чоралари белгиланган, ҳисоботлар, масъул раҳбарлар масъулияти оширилган.

Яқинда қабул қилинган “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент фармонида тайёрланаётган ва киритилаётган қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар лойиҳалари тайёрланиши устидан шахсий назоратни ташкил этиш, уларни пухта иқтисодий молиявий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг амалда бажарилишига тўққинлик қилаётган муаммолар ва омилларни узайтиришнинг янги механизми белгиланди. Бу фармон бежиз қабул қилинмади: энди ҳар бир қонунчилик ҳужжати­нинг ижроси қатъий назоратда бўлади, ижро ҳолати мониторинг қилинади, ўрганилади, пировардида ўлда-жўлда қолиб кетмайди.

Сўнги 4 йилда 150 дан зиёд қонун, 2 мингга яқин фармон ва қарор қабул қилинди. Ҳар бир соҳанинг ҳуқуқий асослари, фаолият механизмлари яратилляпти. Айримларда бунча қонунчилик ҳужжати қачон, қандай ижро этилади, деган савол пайдо бўлгани сир эмас. Президент фармонида бунга аниқ жавоб бор. Бундай қарорга, албатта, тўсатдан келингани йўқ. Сўнги йилларда янги даврга мос ижро механизмларини шакллантириш бўйича муайян тажриба тўпланди. Масалан, биргина ўтган йилнинг ўзида Ҳукумат томонидан ҳудудларни ривожлантириш бўйича қарорлар, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича 3 минг 564 та топшириқ, олий даражадаги таширфлар яқунлари бўйича қабул қилинган “йўл харита”ларининг 960 та банди бажарилган. Ўтган йили 26 та парламент сўрови, сенатор ва депутатларнинг 362 та сўрови ўрганилган ва улар бўйича жавоб юборилган. Парламент эшитувлари ва “Парламент соати”да 36 та вазирлик ҳамда идоралар раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилган.

Давлат раҳбарининг ҳудудларга ташрифида лойиҳалар тақдиротини ўтказиш ва уларни мутасаддилар иштирокида муҳокама қилиш анъанага айланди. Сўнги пайтда айрим ҳудудлар ўз лойиҳалари тақдиротини пойтахтга келиб ўтказишгаётгани яна бир янгилик сифатида қабул қилинмоқда. Тақдиротда ҳар бир лойиҳанинг иқтисодий молиявий манбалари, сарф-харажати, вақти ва ижро механизмлари аниқ кўрсатилмоқда.

ХАЛҚ ФИКРИ ҲИСОБГА ОЛИНМОҚДА

Бурун фақат айрим қонунлар умумхалқ муҳокамасига қўйиларди. Бугун нафақат қонунлар, балки аксарият қонунчилик ҳужжатлари – Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойишлари, Давлат дастурлари, ҳатто, қурилиш лойиҳаларига­ча умумхалқ муҳокамасига қўйилляпти, кенг жамоатчилик улар юзасидан ўз тақлифлари, фикр-мулоҳазаларини билдиляпти. Бу, биринчидан, қонунчилик ҳужжатларининг янада халқчил бўлиши ва тақомиллашишига хизмат қилса, иккинчидан, жамоатчилик назоратининг шаклланиши ва кучайишига замин яратади. Масалан, “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” Давлат дастури лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси жараёнида 2 мингдан зиёд тақлиф, фикр-мулоҳаза олинган, лойиҳа улар асосида қайта ишланган, янада бойитилган. Халқ фикрига қўлоқ солиш, кенг жамоатчилик фикрини эшитиш, улар асосида айрим қонунчилик ҳужжатлари, лойиҳаларни бекор қилиш ёки ўзгартириш, муҳим қарорлар қабул қилишда кўпчилик ҳулосасини инобатга олиш ҳаётий зарурат, таомилга айланиб бормоқда.

“ДОЛЛАР КУРС”ЛАРИ...

Ёшлар бугун бунга ҳатто ишонмаслиги мумкин. Илгари долларнинг расмий курси ҳам, «қора бозор» курси ҳам очиқ-ойдин амал қилар, улар ўртасидаги тафовут қарийб икки бараварга кўтарилиб кетганди. Банкдаги долларлар ўртадаги тафовут жуда баландлиги учун, табиийки, “қора бозор”га оқиб кела бошлади. Ўша пайтда бир чоғроқ банкнинг туман бўлими раҳбари хонасидан ярим миллион АҚШ доллари топилгани, яна бир идора раҳбари уйидан қарийб ярим машина нақд доллар чиққани ҳақидаги шов-шувли хабарлар беҳиз тарқалгани йўқ. Бундан, албатта, бир ҳовуч кишилар манфаатдор эди.

Конвертацияни бармоқ билан санарли фирма ва компаниялар қила оларди. Улар ҳам, албатта, казо-казоларга тегишли эди. Сал кейинроқ долларнинг расмий ва “қора бозор” курси сафига биржа ва конвертация курси ҳам қўшилди. Гарчи қўғозда бозор иқтисодиёти ҳақида ёзилса-да, лекин амалда соғлом рақобат учун муҳит ҳам, шароит ҳам йўқ эди. Ислохотларга давлат бошчилиқ қиларди. Бозор иқтисодиёти давлат томонидан бошқариларди. Натижада халқаро рейтинг кўрсаткичлари бўйича коррупция борасида энг оқсоқ давлатлар қаторида қолиб кетганди.

Валютани қўйинг, ҳатто, ўз пластик картamиздаги пулни ҳам эмин-эркин нақд пулга айлантира олмадик. Бунинг учун ўз пулимизнинг 20, айрим ҳолатларда 50 фоизидан воз кечишгача борардик.



Бугун-чи? Зарурат тўғилганда банкоматлардан бемалол, бир зумда пластик картадаги пулни нақд қилиб олаямиз. Бу борада ўтган даврдаги ҳолатларни эслаб, кўнглимиздан беихтиёр “минг шукр, шундай кунларга ҳам етар эканмиз-с”, деган ўй ўтади.

Бугун истаган банкка кириб, пулингизга доллар сотиб олишингиз ёки долларингизни сўмга айлантиришингиз мумкин. Бурунгидай ур-йикит йўқ, таниш-билишчилик йўқ, ялиниш йўқ. Рост гап, энди пластик карточка ишлатиш қўлай бўлиб қолди. Керак бўлса, ҳар қадамда банкомат, кечаю-кундуз ишлаб турибди. Бўлар экан-ку!

ТАЛАБ АДОЛАТЛИ БЎЛЯПТИ

Қачон коррупция камаяди, шундаки, ходим ишлайётган жойидан бола-чақасини боқиб, яши-ёмон кунига уч-тўрт сўм ортитира олса. Бизда бурун бу мезонга амал қилинмади. Пировардида коррупция авж олиб кетди.

Бугун-чи? Бугун бурун коррупциянинг энг ашаддий ўчоғига айланган олий таълим муассасаларида коррупция деярли барҳам топди. Нера? Қандай қилиб? Унинг энг мақбул йўли танланди: профессор-ўқитувчиларнинг ойлик маоши уч-тўрт бараварга оширилди. Ўқитувчи абитуриентларнинг отаси ёки талабанинг қўлига қарамай қўйди, чунки у энди бунга муҳтож эмас-да. Хоразмлик олий таълим муассасаси ўқитувчиси газетада маошини тўплаб машина олгани ҳақида ёзди. Ўқувчининг ота-онаси энди топган-тутганини боласини ўқишга киритиш учун домлага ёки бирор “учар”га қўшқўллаб олиб келиб бермаяпти. Аксинча, боласининг билим олиши учун сарфляпти. Муаллимларнинг ойлик маоши нисбатан ошган эди, илгари мактабни тарк этиб кетган эркаклар яна унга қайта бошлади.

Бугун идора ва корхоналардаги ойлик маошлар ҳам кундалик эҳтиёжни қоплаб, уч-тўрт сўм ортитира оладиган даражада ошириляпти. Бу – энг тўғри йўл. Чунки ходим шунда иш ўрни янги йўқотмаслик учун бор билими, тажрибаси, куч-қуввати билан ишляди. Пировардида ишнинг ҳам сифати, ҳам натижадорлиги ошади.

Президент бугун қайси соҳа бўлмасин, бирор нима талаб қилишдан аввал шароитини яратиб, пулини бериб қўйляпти: энди талаб ноҳақ эмас, адолатли бўляпти.

РАҲБАР ҲАМ ОШКОРАЛИК НИГОҲИДА

Рейтинг ва таҳлил билан боғлиқ халқаро ташкилотлар илгарилари бизни ёпиқ мамлакатлар рўйхатига тиркарди. Тилламиз, валюта захирамиз, ташқи ва ички қарзимиз ҳақида лом-мим дейилмасди. Бошқа мамлакатлар учун очиқ саналган жуда кўп маълумотлар бизда давлат сирини каби пинҳон тутиларди. Айниқса, раҳбарларнинг шахсий ҳаёти нари турсин, кундалик фаолияти ҳақида ҳам бирор нима ёзиш амри маҳол эди.

Шу йилнинг январь ойида ижтимоий тармоқларда давлат раҳбарининг меҳнат таътилига чиққани ҳақида расмий хабар берилди. Бунақа хабарни, тан олайлик, биринчи бор ўқишимиз. Ундан сўнг бирин-кетин вазирларнинг, вилоят ҳокимларининг таътилда экани, соғлигини тиклаётгани ҳақида хабарлар эълон қилинди. Ёхуд ўтган йил айрим вазир ва вилоят раҳбарларининг коронавирусга чалингани, соғлиғининг ҳолати хусусида маълумотлар бериб берилди. Бурун деярли айтиш ёки ёзиш мумкин бўлмаган маълумотлар, воқеликларга бугун одатликиб, кўникиб боряпмиз. Барча соҳада очикликка юз буриляпти. Илгари статистика маълумотлари фақат хос одамларга берилар, кенг оммага ошкор қилинмасди. Бугун қанча олтин сотилгани-ю, қанча қазиб олинаётгани, четдан қанча қарзимиз, валюта захирамиз борлиги очиқ-ойдин айтиляпти, ёзиляпти.

“МУЗ”... ЭРИДИ

Олдин айрим қўшни мамлакатлар билан муносабатларимиз хийла чағаллашиб қолганди. Бунинг, албатта, ўзига хос объектив, субъектив сабаблари бор. Узоқ йиллар ёнма-ён яшаган, чатишиб, куда-анда бўлиб кетган халқлар ўртасидаги алоқалар деярли тўхтаб қолган, чегаралар беркилган, ўзаро муносабатлар совуқлашиб кетганди. Бундан, албатта, мамлакат ичкарисида ҳам, ташқарисида ҳам манфаатдор кучлар бўлиб, улар алоқалар яхшилаишига имкони борича йўл қўймасди. Муносабатлар энди иликлашаман деганда айрим кучлар чегараларда гоҳ пинҳон, гоҳ ошкор нимадир уюштирар, шундан сўнг яна узоқ вақт бу масалага қайтиб бўлмасди. У ёқдан бу ёққа ўтган минглаб фуқаролар узоқ йиллар аросатда ашадди. Шу учун янги сайланган Президент бу даврни музга қиёс қилди.

Айримлар агар чегаралар очилса, гиёҳванд модда, қурол-яроғ, террористлар кириб келади, дея ваҳима қилиди. Лекин ундай бўлмади. Қўшни мамлакатлар билан чегаралар очилганда қанча одамлар қувончи ичига сиғмай ёш боладай йиғлаган, давлат раҳбарини алқаб дуо қилганди. Мана шунга ҳам қарийб беш йил бўляпти, Яратганга шукр, тинч-омонмиз.

Бир йил ичида бошқа мамлакатлардан юртимизга кўчиб келган қарийб 50 мингдан зиёд киши фуқаролик олди. Бу йил улар сони яна 20 минггага кўпаяди. Барча чегарадан ўтказиш пункти қайта очилди. Утиб- қайтаётган одамлар оқими кескин ошди. Узоқ йиллик “муз” эрий бошлади.

ХАЛҚ БИЛАН БИРГА...

Узоқ вақт сен менга тегма, мен сенга тегмайман таомилига амал қилдик. Бундай ҳолатга тоқат қила олмаган янги сайланган Президент ўша пайтдаги юқори лавозимли раҳбарга биз ёзининг қоқ чилласида этик ки­йиб, далама-дала юрганимизда сизлар чет эл­ма-чет эл кезганизлар, деганида кўпчиликда энди бундай тартибда ишлаб бўлмайди, кабинетдан ташқарига, одамлар ичига кўчиш ке-

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг

30

йиллиги олғиган

рак, деган фикр уйғонди. Дарҳақиқат, орадан кўп ўтмай халқ ичига чинакам юриш қилинди. Президент билан виртуал алоқа йўлга қўйилди, жойларда Халқ қабулхоналари ташкил этилди. Президент Администрацияси, Бош вазир, ҳокимлар, катта-кичик идора раҳбарлари жойларда сайёр қабуллар уюштиляпти. Пировардида аҳоли уларга мурожаат қилишни ўрганди. Оммавий ахборот воситалари, блогерларга эркинлик берилди. Аҳоли уларга ҳам ўз дардини айта бошлади. Халқ билан ҳокимият ўртасидаги “хитой девори” қулади. Президент Фарғонага ташрифи чоғида собиқ шаҳар ҳокими мисолида ана шу ачиқ ҳақиқатни яна бир бор эслатди. Раҳбарлар энди орқага қайтишга йўл йўқ, халқнинг ичига кириш, халқ билан бақамти ишлаш керак, деган тўхтамга келди.

ИШЛАШДА “ЯНГИ ТИЗИМ ҚИЛАМИЗ”

Давлат раҳбари бу гапни бежизга бот-бот айтмаяпти. Чунки янги давр янгича ишлашни тақозо этади. Юқорида эслатдик. Сўнги 4 йилда икки мингга яқин қонунчилик ҳужжати қабул қилинди: ҳар бир соҳа, тизимнинг ҳуқуқий асослари яратилляпти, янгилаляпти. Қонунчилик ҳужжати ҳам “догма” эмас: вақт ўтган сайн даврга, эҳтиёжга қараб ўзгариб, янгилашиб боради. Сўнги пайтда “манзил-ли”, “фуқаробай”, “хонадонбай”, “маҳаллабай”, “туманбай” каби янги атамалар пайдо бўлди ва улар тилимизга синга бошлади. Ҳар бир иш энди бурунгидай мубҳам эмас, аксинча, аниқ манзилга қаратилляпти. Ҳамма нарсанинг энди эгаси бор, манзили, ижроси учун маблағи бор. Манзили бор уйни топиш осонда. Энди бурунгидай маҳалла берган ҳисобот ёки маълумот эмас, аксинча, “маҳаллабай”, “хонадонбай”, “фуқаробай” тизими асосида, ҳар бир уйга кириб, кўриб иш олиб борилади, ҳулоса қилинади. Шунинг учун давлат раҳбари соҳа мутасаддиларидан сизларга тизим яратиб бердик, пул бердик, қани, нега ишламайсизлар, нега жон куйдирмаясизлар, деб талаб қиляпти.

Ёшларга ер, аёлларга кредит ва субсидиялар берилмоқда, хотин-қизлар касб-ҳунар ўрганишга, тадбиркорликка жалб қилиняпти.

Бугун бундай ми­солларни истаганча келтириш мумкин. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон бугун том маънода янгиланмоқда, янги Ўзбекистоннинг асослари, пойдевори яратилляпти. Мақсадларимиз, ниятларимиз улғу. Учинчи Ренессанс бўм-бўш ёхуд тақир бир масканда бунёд бўлаётгани йўқ. Унинг илдиэлари чуқур ва теран. Энг катта ва улғу мақсадимиз – ана шу заминда Учинчи Ренессансини барпо этиш, ажждоларимиз қадаган туғни қайта тутиб, уни янада баландроқ кўтариш. Ана шундай эзгу ва юксак мақсадлар билан инти­лаётган, улкан ўзгаришлар, ислохотлар амалга оширилган ва давом этаётган юртимизни Янги Ўзбекистон, янгилаётган Ўзбекистон, деб атамоқ ярашади.

БИЛДИРУВ

“O'zbekiston bunyodkori” газетасининг 2021 йил 30 апрелдаги 33 (484)-сонидa чоп этилган Андижон вилояти, Балиқчи тумани, “Эски марказ” МФЙ, Наманганшoх кўчаси, 15-уй манзилида жойлашган “Балиқчи агросервис ва интеграллашган сервис маркази” МЧЖнинг устав жамғармасидаги 100 фoиз улуши бўйича очик танлов савдолари 2 июнь куни, такрорий савдолар 17 июнь, 2, 20 июль ҳамда 4 август кунларига белгиланган бўлиб “Андижон Агросервис МТП” МЧЖнинг 2021 йил 6 майдаги 01/05-52-сонли хатига асосан савдодан олингани билдирилади.

“Respublika mulk markazi” МЧЖ “Poytaxt filiali”

бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибидa ўтказиладиган очик аукцион савдога тақлиф этади!

Аукцион савдога “Хадичаи Кубро” аёл-қизлар ўрта махсус ислom таълим муассасасининг 2021 йил 8 майдаги 93-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Зарафшон кўчаси, 15-уй манзилида сақланаётган, 2014 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 675 JDA бўлган “NEXIA 2” русумли техник сoз автoтpанспopт воситаси такрoран қўйилмoқда. **Бошланғич баҳоси** – 39 451 000 сўм.

Аукцион савдо **2021 йил 10 июнь** куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2021 йил

8 июнь куни соат 16.00 гача. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

Юқоридаги автoтpанспopт воситаси 2021 йил 10 июнь кунидa сотилмаган тақдирдa, такрорий савдо 2021 йил 24 июнь куни соат 11.00 дa ўтказилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш куни олдин соат 16.00 да тўхтатилади.

Савдо голибига 5 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “Давр банк” ХАТБ Яккасарой филилидаги қуйидаги ҳисоб рақамга тўлашлари шарт: 2260 4000 5005 7145 2002, МФО 01069, СТИР 200 933 850.

Аукцион савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.

Телефон: 71-237-23-96.

Веб-сайт: www.rmm.uz.

001805 рақамли гувоҳнома.

Emmuni nup: Хожа Муҳаммад Бобо Самосий

Райҳона ХЎЖАЕВА,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Хожа Муҳаммад Бобо Самосий – хожাগон-нақшбандия тариқатининг атоқли намояндаларидан бири, Бухоро вилоятидаги етти нақшбандий пирнинг бешинчиси. У 1259 йили Бухоро вилоятидаги Ромитан туманининг Самос қишлоғида таваллуд топган, 1354 йили шу ерда вафот этган. Қабри ҳам ўз қишлоғида жойлашган. Қабри атрофида бир ёғи айвонли ҳовли, тошқудук, ҳовуз, боғ ва жомеъ масжидидан иборат мажмуа бунёд этилганди. Мустақиллик йилларида бу маскан ободонлаштирилиб, қабр таъмирланди, янги бинолар барпо этилди. Ҳозирги пайтда бу ер Бухоро вилоятидаги энг гавжум зиёратгоҳлардан бирига айланган.

Тасаввуф тарихига оид манбаларда тўлиқ ҳолда аллома Хожа Муҳаммад Бобо Самосий тарзида қайд этилади. Шамси Ҳақ, яъни Худонинг Куёши деб улуғлангани ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд. Отаси Саййид Абдуллоҳнинг тавсияси билан Хожа Маҳмуд Анжирфағнавийга шоғирд тушади, бу улуг устоз эса уни халифаси Хожа Али Ромитанийга ҳавола қилади. Бобо Самосий унинг умри-

ни охирига қадар хизматида бўлган, ҳатто, Али Ромитаний Бухородан Хоразмга ҳижрат қилганида у билан бирга кетган. Устозининг вафотидан кейин хожাগон тариқатини бошқарган. Бобо Самосий боғбонлик билан кун кечирган.

Бобо Самосий Хожа Баҳроуддин Нақшбанд туғилишини олдиндан башорат қилган ва уни чақалоқлигида маънавий фарзандликка қабул қилиб, тарбияси билан шуғулланиш-ни муриди Саййид Мир Кулолга: “Фарзандим Баҳроуддин ҳақида тарбият ва шафқатни дариг тутмағайсен ва сенга биҳил қилмағаймен (яъни кечирмайман), агар тақсир (яъни хато) қилсанг”, дея топширган. Амир Кулол ҳам ўз навбатида пирига жавоб қайтариб: “Эр бўлмағаймен, агар Хожа васиятида тақсир қилсам”, деган. Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват” тазкирасида келтирилишича, Бобо Самосий ўзи бошига кийиб юрган кулоҳини Баҳроуддин Нақшбандга ҳадя қилган, шунинг шарофати билан Баҳроуддин Нақшбандга балоғардонлик, яъни келаётган балони дуо билан қайтариш қаромати насиб этган.

Манбаларда Бобо Самосий буғдойранг, қатъий фикрли, жўшқин ҳиссиётли, юзидан нур ёғилиб турадиган, нигоҳлари бағоят таъсирли зот сифатида тасвирланади. Қароматлари ҳам кўп бўлган. Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват” тазкирасида Баҳроуддин Нақшбанд гувоҳ бўлган ва айтиб берган икки қаромат келтирилади.

Хожа Муҳаммад Бобо Самосий ҳикматларидан:

“Қалбни фойдасиз фикр ва туйғулардан муҳофаза қилинг!”

Баҳроуддин Нақшбанд ёш пайтида масжидга кириб, икки рақъат намоз ўқийди-да: “Илоҳо, балонг юкини тортарга қувват ва муҳаббатинг меҳнатини тортарга таҳаммул (яъни сабру тоқат) бер!” деб дуо қилади. Эрталаб бобоси унга Бобо Самосий ҳузурига бориб, меҳмонга таклиф қилиб келишни буюради. Бобо Самосий ҳузурига борса, у Баҳроуддин Нақшбандга, худди кеча унинг масжидда қилган дуосини эшитиб олгандай, шундай дейди: “Эй фарзанд, дуо мундоқ қилмоқ керакки: “Илоҳо, онча сенинг ризонг андадур, бу заиф бандангни анга тут ўз фазлу қараминг била!”. Агар Худованди таоло ҳар дўстига балоёй йибorsa, ўз инояти била ул юкни тортарга қувват бергай ва анинг ҳикматин анга зоҳир қилгай. Ихтиёр била бало талаби душвордур. Густохлиқ (яъни андишасизлик, эркалиқ) қилмамоқ керак”.

Иккинчи қаромат ҳам шу куни юз беради. Баҳроуддин Нақшбанд Бобо Самосий билан овқатланади. Кейин Бобо Самосий бир



танишининг уйига равона бўлади. Кетишдан олдин у Баҳроуддин Нақшбандга бир қулча беради. Баҳроуддин Нақшбанд: “Биринчидан, ҳозир таом еб, қорин тўйғазилди, иккинчидан меҳмондорчиликка кетилаяпти, у ерда ҳам дастурхон ёзилса керак, бу қулча нимага керак бўлди экан?” деб ҳайрон қолди. Мезбон меҳмонларни хурсандлик билан кутиб олди. Аммо юзида қандайдир изтироб намоеъ эди. Шунда Бобо Самосий унга: “Чинин айтки, изтиробингга боис недур?” деди. У дарвеш сут бор-у, лекин нон йўқлигини айтди. Шунда Бобо Самосий Баҳроуддин Нақшбандга ўша қулчани дастурхонга қўйишни айтди. Демак, Бобо Самосий бу ҳолатни олдиндан билиб турган экан.

Бобо Самосий Хожа Сўфий Суҳурий, Хожа Маҳмуд Самосий (ўз ўғли), Хожа Донишманд ва Хожа Саййид Амир Кулол деган тўрт халифани тарбиялаган. Тариқатга раҳбарлик қилишни Хожа Саййид Амир Кулолга топширган. Ҳазрати Муҳаммад Бобо Самосий қуддису

сирриху силсила омонатини Хожай Азизон Али Ромитаний ҳазратларидан олганлар.

Президентимизнинг Бухоро вилоятига 2018 йилнинг февраль ойидаги ташрифи давомидаги кўрсатмаларига асосан, бир қатор жомеъ масжидлари ва зиёратгоҳларда қайта қуриш, реконструкция ва ободонлаштириш ишлари жадал суръатларда олиб борилди. Туманда фаолият юритаётган барча жомеъ масжидлар қатори Хожа Муҳаммад Бобо Самосий жомеъ масжидида ҳам бир қанча қайта қуриш ва реконструкция ишлари олиб борилди. Жомеъ масжидда замонавий кўринишга эга бинолар қад ростлади. Масжид атрофи тўлиқ девор билан ўраб олинди. Дарвозахона, таҳоратхона, минора, ҳовуз, мақбара ва йўлаклар янгитдан замон талабларига жавоб бера оладиган тарзда қад ростлади.

Ушбу мажмуа юртимиз меҳмонлари ва маҳаллий аҳоли учун барча қулайликларга эга, салобатли ва виқорли зиёратгоҳлардан бирига айланди.



Хожа Саййид Амир Кулол



Хожাগон-нақшбандия тариқатининг атоқли намояндаси, Хожа Баҳроуддин Нақшбанднинг пири Хожа Саййид Амир Кулол Бухоро вилоятидаги етти нақшбандий пирнинг олтинчисиدير.

У қулолчилик касби билан кун кўрган. Манбаларда тўлиқ исми Хожа Саййид Амир Кулол Бухорий тарзида келтирилади. У тахминан 1287 йили Бухоро вилоятидаги Когон туманининг Суҳор қишлоғида туғилган. 1370 йили шу ерда вафот этган. Ўз қишлоғидаги қабристонга дафн этилган. Мустақиллик йилларида қабри устида мақбара қурилиб, атрофи ёдгорлик мажмуасига айлантирилди. Бу мажмуада мақбара, боғ ва жомеъ масжиди бор. Бу ер вилоятдаги ҳамиша маҳаллий ва хорижий зиёратчилар гавжум муқаддас зиёратгоҳлардан бирига айланган.

Пири – Бобо Самосий. Тариқатга киргунга қадар Хожа Саййид Амир Кулол таниқли курашчи бўлган. Бобо Самосий ёш Баҳроуддин Нақшбанд тарбиясини Амир Кулолга топширади. Бобо Самосий вафотидан кейин хожাগон тариқатига раҳнамолик Амир Кулолга ўтади. Тасаввуф тарихига оид манбаларда қайд этилишича, Хожа Баҳроуддин Нақшбанд, Шамсиддин Кулол (Соҳибқирон Амир Темурнинг пири), Хожа Ориф Деггароний Амир Кулолнинг машхур халифалари ҳисобланади.

Саййид Амир Кулол ҳикматларидан:

“Олимларга яқинлашинг, чунки улар умматнинг машъалларидир”.

Амир Кулол хуфия (овоз чиқармай ижро этиладиган) ҳамда жаҳрия (баланд овозда ижро этиладиган) зикр усулларидан фойдаланган, кўпроқ жаҳрия зикр тарафдори бўлган.

У манбаларда бўйи баланд, ранги қорамтир, кўкраклари кенг, қўллари узун ва қошлари камон каби зот, феълан ўта камтар, эътироз ва саркашлик нималигини билмайдиган киши сифатида таърифланади. Насабни бўйича саййидлардан, яъни унинг аجدодлари Муҳаммад пайғамбар (с. а. в.)га бориб тақалади.

Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват” тазкирасида келтирилишича, Амир Кулол ўз ўғли Мир Бурхонни тарбиялашни Баҳроуддин Нақшбандга топширади. Баҳроуддин Нақшбанд бу топшириқни сидқидилдан бажаради.

Амир Кулолдан форс-тожик тилида битилган шеърлар мерос бўлиб қолган. Уларнинг айримлари таъсирчанлиги ва пухта-пишиқ маъно-мазмунга эгаллиги билан ажралиб туради. Шоир бир байтида:

Ҳазор хеш, ки бегона аз Худо бошад,
Фидо як тани бегона, ки ошно бошад,
– яъни: “Худодан ироққ бўлган минг қариндошдан кўра Унга ошно бўлган бир бегонага фидо бўл”, дейди.
Мана бу байтида эса: “Чумолига ҳам, одамга ҳам озор берма, энг тўғри йўл шу бўлади”, дейди:
Маёзор муру маёзор кас,
Раҳи росткор ҳамин асту бас.

Хожа Баҳроуддин Нақшбанд

Ислом оламиининг энг машхур авлиёларидан бири, нақшбандия тариқатининг асосчиси. 1318 йилнинг март ойида Бухоро вилоятининг Когон туманидаги Қасри Ҳиндувон қишлоғида туғилиб, 1389 йилнинг 1 мартида шу ерда вафот этган.

Тўлиқ исми – Хожа Баҳроуддин Нақшбанд Бухорий Балоғардон. Хожалар авлодидан бўлгани учун унинг номи олдига Хожа сўзини ишлатиш расм бўлган (Хожалар – диний имтиёзга эга, айрим солиқлардан озод тоифа эди. Хожа Абдулоҳиқ Ғиждувоний асослаган тариқат дастлаб, асосан, хожалар орасида кенг тарқалгани учун нақшбандия дастлаб “хожাগон тариқати” деб юритилган). Бухоролик бўлгани учун Бухорий нисбаси, ёшлигида отаси билан бирга кимхобга нақш солиш хунари билан шуғуллангани учун Нақшбанд лақаби билан машхур бўлган. “Баҳроуддин” сўзи “Диннинг нури” деган маънони англатади. Бу Баҳроуддин Нақшбандга кейинчалик берилган фахрлий унвон. Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват” тазкирасида қайд этилган маълумотга кўра, Хожа Муҳаммад Бобо Самосий унга бир бурк (бош кийими) беради, шунинг шарофати билан Баҳроуддинга балоғардонлик хислати юзага келади. Яъни, унинг Аллоҳдан балони қайтаришни сўраб қилган дуоси инобатга олиннадиган бўлади. Унинг Балоғардон дейилиши – шундан.

У туғилган Қасри Ҳиндувон қишлоғи кейинчалик Баҳроуддин Нақшбанд шарофати билан Қасри Орифон деб атала бошлаган ва ҳозир ҳам шундай ном билан юритилади. “Орифон” сўзи “орифлар”, яъни “сўфийлар” деган маънони англатади.

Баҳроуддин Нақшбанднинг асл исми – Муҳаммад. Ота тарафдан – саййидлар авлодидан. Шажараси Имом Жаъфар Содикдан бошланиб, унинг ўзидан кейинги 19-ҳалқадаги фарзанди ҳисобланади. Она тарафдан эса насоби ҳазрат Абу Бакр Сиддиққа бориб тақалади.

Хожа Муҳаммад Бобо Самосий Қасри Ҳиндувондан ўтаётиб, ажиб бир ҳид сезади ва бу ерда яқин келажада бир буюк зот туғилишини башорат қилади, чақалоқ туғилганидан кейин уни маънавий фарзандликка қабул қилади ва унинг тарбиясини муриди Амир Кулолга топширади.

Баҳроуддин Нақшбанд умри давомида бир неча пирнинг тарбиясини олган. Биринчи пири – Хожа Муҳаммад Бобо Самосий. Кейин Амир Саййид Кулол, Қусам Шайх, Халил Ота (Султон Халил) каби пирларга мурид тушиб, тасаввуфий таълим олади. Манбаларнинг далолат беришича, унга Хожа Абдулоҳиқ Ғиждувоний (1103 – 1179)нинг руҳи келиб, тарбия берган. Ўлиб кетган авлиённинг руҳи келиб қайси бир муридни тарбияласа, у увайсий ҳисобланган.

Нақшбандия силсиласи ҳам, ясавия силсиласи ҳам Хожа Юсуф Ҳамадонийга боғланади. Баҳроуддин Нақшбанд ана шу икки тариқат пир-



ларидан ҳам таълим олгани учун икки силсилада ҳам саналаверади. Баҳроуддин Нақшбанднинг тўрт қиз ва бир ўғли бўлгани ҳақида маълумотлар бор. Икки марта ҳаж зиёратига борган.

Олимлар форс-тожик тилида битилган “Аврод”, “Далил ул-ошиқин” деган насрий, “Ҳаётнома” деган назмий асарларни Баҳроуддин Нақшбандга нисбат беришади. Унинг форс-тожик тилида битилган кўп рубоийни турли китоб кўлёзмалари таркибида бизгача етиб келган. Шулардан 5 таси жуда машхур бўлган. Нақшбандий дарвешлар ҳар намоз охирида шу 5 рубоийдан биттасини ўқиб, шунинг тариқат аҳлининг хос анъанасига айлантиришган эди.

Мажмуа Бухоро шаҳридан 10 километр шимолӣ-шарқда жойлашган. У беш аср мобайнида шаклланган. Баҳроуддин Нақшбанд қабри олдидаги дастлабки бинолар тахминан ҳазрат вафотидан кейин пайдо бўлган.

Баҳроуддин Нақшбандий маданий мерос объектини барпо этилишига Абдулазизхон ибн Убайдуллоҳхон 1544 йилда асос солган. Абдулазизхон буйруғи билан мазор тартибга солиниб, ансамбл шаклига келтирилган ва 1544-1545 йилларда комплекснинг энг катта биноси – хонақоҳ қурилган. Комплекснинг асосий қисмига даҳмалар, мақбара, иккита масжид, сакхона, ҳовуз, қудуқ, минора, мадраса ва Абдуллоҳхон хонақоҳи кирди. Ҳозирги вақтга келиб унинг сафига баланд пештоқ – гумбазли янги дарвозахона, музей, чойхона сингари иморатлар қўшилган.

Мажмуа кичик гумбазли чортоқ дарвозахонадан бошланади. Дарвозахонадан ўтгач, ўнгда кичкина масжид, чап томонда зиёратчилар учун турли бинолар бўлгани маълум. Йўл давомида чапда хонлар мазори – Даҳмаи шоҳон жойлашган. Кейинчалик бу ерда Бухоронинг ҳукмрон сулолалари вакиллари дафн қилингани боис ана шу ном билан аталган.

ХV аср охирида Баҳроуддин Нақшбанднинг анъанавий қабри устига даҳма қурилиб, у мрамр қоплама ва ўлчамлари бўйича бир-бирига мос келадиган гўзал нақшинкор мрамр панжара билан безатилди. Ундан сал нари, шимолда – томонлари 9,5 метр келадиган айлана зинали мрамр ҳовуз жойлашган. Даҳма билан ҳовуз орасида қудуқ бўлиб, унинг ёнидаги чиройли шийпон – сакхона яратилган бўлиб, у ерда зиёратчиларга “муқаддас” сув улашиб мас.

Ҳақим қушбегм масжидининг шимо-

Хожа Баҳроуддин Нақшбанд ҳикматларидан:
“Қалбларнинг буюклиги аслида бир. Лекин улардаги маърифат фарқли.”

“Агар дўст айбига боқсак, дўстсиз қоламиз, ҳеч ким дунёда беайб эмас.”



лида минора, ундан нарида ички ҳовлидаги ҳовуздан уч марта катта бошқа бир ҳовуз жойлашган. Ҳовлининг ташқарисида (шимолӣ-ғарбда) тўртбурчак суна устига қурилган эни 37 метр, бўйи 40 метрли хонақоҳ мавжуддир.

Марказида атрофи пештоқ равоқли айвонлар билан ўралган масжид, унинг тўрида чорзамин услубда ишланган қирма нақшли меҳроб бор. Иморатнинг ҳар икки томонида симметрик қурилган икки қаватли катта-кичик ҳужралар бўлган.

Баҳроуддин Нақшбандий комплекснинг тузилиши ўша даврда барпо этилган бошқа қўш биноли симметрик ансамбллардан фарқ қилади.

2003 йилда ҳукуматимиз томонидан ушбу мажмуа янада обод этилди. Бухоро шаҳридан то бу маскангача бўлган йўл жаҳон андозасига мос қилиб қурилди. Зиёратгоҳда улкан мажмуа бунёд этилди. Унинг жануб томонида улкан гумбазли дарвозахона тикланди. Қадимги дарвозалар – Хожа Диловар, Бобус салом асл ҳолига келтирилди. Баҳроуддин Нақш-

бандийнинг қабрларини шарқ ва жануб томонларида шимол тарафдаги қадимги айвонга уйғунлаштирилиб улкан ва чиройли айвонлар тикланди.


Бу айвонларнинг устунлари ниҳоятда гўзал, шифтга бажарилган безаклар ўзининг бадиийлиги ва миллийлиги, кўркемлиги билан кишини эътиборини тортади. Хонақоҳ, масжид ва мадраса бинолари бежирим таъмирланди. Баҳроуддин Нақшбандий ва у кишининг оналарини ёдгорликлари ягона архитектуравий мажмуага айлантирилди. Бошқача қилиб айтганда, Қасри Орифонда қадимги ноёб бино ва иншоотлар мажмуаси билан уйғунлашган замонавий чиройли архитектуравий комплекс барпо этилди.

Президентимиз 2018 йил февраль ойидаги Бухоро вилоятига ташрифи давомида инсоният тамаддуни бешикларидан бўлиш ушбу кўҳна заминда не-не буюк алломалар, диний ва дунёвий илм эгалари яшаб, ижод қилганини таъкидлар экан, улар мангу кўним топган масканларни янада обод этиб, бу жойларда зиёратчилар учун зарур шароитлар яратиш борасида мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берди.

Манбаларда Етти пири қоми Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи вассалламдан бошланган “олтин силсила”нинг давомчилари сифатида эътироф этилган. Улар кўнглини нафсу ҳирсдан поклаш, ҳалол меҳнат қилиб умр кечирши, Аллоҳни жондилдан севиш ғояларини тарғиб

қилган. Ушбу азиз-авлиёларнинг асарлари, қилган ишлари замонлар оша одамларни тарбиялаб, уларга дину диёнат, одоб-ахлоқ, эзгу сўз ва амалдан сабоқ бериб келмоқда.

Бугунги кунда Етти пирнинг муқаддас қадамжолари янада обод қилиниб, кўркем қиёфага келтирилди. Уларнинг мақбаралари қайта таъмирланиб, атрофи кўкаламзорлаштирилди, вилоятнинг иқлим шароитига мос манзарали дарахтар, ноёб гуллар экилди. Сайёҳлар учун мазкур ҳудудларда меҳмонхоналар, чойхоналар, савдо мажмуалари, автотураргоҳлар барпо этилди. Зиёратгоҳларни ўзаро боғлайдиган йўллар қайтадан реконструкция қилиниб, замонавий инфра-тузилма шакллантирилди. Муҳташам маданий объектлар қурилиб, транспорт-логистика, муҳандислик-коммуникация тармоқлари яхшиланди. Етти пир қадамжолари ҳам шаклан, ҳам мазмунан яхлит комплекс қиёфа касб этиб, уларни зиёрат қилиш кўҳна Бухоронинг янги “ташриф қоғози”га айланди.



Янги лойиҳалар

660 ўринли
“Замонавий мактаб”



Райҳона ХЎЖАЕВА,
“O‘zbekiston bunyodkori”
муҳбири.

Лойиҳачи: “Qishloqquirlilishloyiha” МЧЖ.

Лойиҳа муаллифи: Б. Абдуллаева.

Қурилиш объекти бўлиналари: бино 4 та блокдан иборат.

А блок. Тамбур, вестибюль, директор хонаси, қабулхона, информатика, услубчи ва вахтёр хонаси, кутубхона, бошланғич синфлар устахонасидан иборат.

Б блок. “STEAM” лаборатория, бошланғич ҳарбий тайёргарлик хонаси, логопед, кимё-биология ва физика-астрономия кабинетлари, директор ўринбосари хонаси, ўқув адабиётларини сақлаш хонаси, ўғил ва қиз болалар ҳожатхоналарига мўлжалланган.

В блок. Дам олиш хонаси, 132 ўринли ошхона, фойе, 140 ўринли фаоллар зали, инструктор хонаси, техник марказдан иборат.

Г блок. Коридор, коворкинг маркази, ўқув устахоналари, қизлар учун меҳнат ва кулинария хоналари, 24,0х12,0 ўлчамдаги спортзал ва ўғил ва қиз болалар кийиниш хоналарига мўлжалланган.

Қурилиш бўйича умумий маълумот: барча ўқув хоналари махсус

жиҳозлар билан таъминланиши кўзда тутилган. Бино пойдевори монолит темир-бетон В-15, устун (колонна)лари монолит темир-бетон В-20, деворлари 200 миллиметрли газобетон блоклардан қурилади. Оратўсиқ (перегородка)лар – 100 мм, ҳар иккала томондан 2 қаватли гипсокартондан. Том ёпмалари (ўқув биносиди) ўйма темир-бетон думалоқ, ғовакли плиталар Н-220 мм. Том ёпмалари (спортзал ва фаоллар зали) металл фермадан иборат. Поллари керамик плиткалар, бетон қоплама, “Релин” ва спорт линолеумидан фойдаланилади. Ойналари ПВХ профилардан, эшиклари алюминий профиларидан ташкил топган.

Ташқи пардоз: 50 мм қалинликдаги “ППЖ-175” минерал толали иссиқ сақловчи қопламали сувоқ қилинади.

Ички пардоз: яхшилланган сувоқ, сувли эмульсияли бўёқлар, керамик плиткалардан иборат.

Бино барча муҳандислик тизимлари (сув, канализация, электр, иситиш, вентиляция, видеокузатув, ёнғин сигнализацияси) билан таъминланган.

Муҳандислик жиҳозлари: ишчи хужжатларининг ушбу қисмида лойиҳа топшириғи ва қават режалари асосида видеокузатув тизи-

ми ишлаб чиқилган. Видеокузатув бир вақтнинг ўзида рақамли ёзиш, мониторинг қилиш, архивни кўриш, тармоқ устида ишлаш ва маълумотларни архивлаш учун мўлжалланган. Бу менежер хонасида бинонинг 1-қаватида ўрнатилган 24 та портга эга бўлган профессионал тармоқли видеоёзувларни ўрнатиш орқали амалга оширилади. Ўрнатиш ва техник хизмат кўрсатиш қурилмадан узилган электр қуввати ёрдамида бажарилиши керак. Ускунанинг тури миқоз томонидан ўрнатиш вақтида белгиланади. Қўлда бошқариладиган оғоҳлантيرувчи ускуналарни полдан 1,5 метр баландликда ва эшикнинг ён томонидан 0,5 метр узоқликда ўрнатиш лозим.

Мактаб электр таъминоти 380/220Вли паст кучланишли иккита кириш кабелидан таъминланади. Юқори кучланишли электр токида ишловчи жиҳозларга, ошхона, лаборатория ва шамоллатиш жиҳозлари киради. Лойиҳада 220В кучланишли ишчи ва фавқулодда ҳолат (эвакуационное) ҳамда 36Вли таъмирлаш ёритгичлари кўзда тутилган. Лойиҳада LED светодиод ёритиш лампалари қўлланилган. Барча электромонтаж ишлари ПУЗ ва КМК 3.05.06-97 нормалари асосида олиб борилади.



Таваллуд айёмингиз муборак бўлсин!

Май ойининг шу кунларига таваллуд айёмларини нишонлаётган

Ўзбекистон Республикаси “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК бош директор ўринбосари **Юсуфжон Кулмурадов**, бўлим бошлиғи **Актам Акбаров**,

Андижон вилояти қурилиш бош бошқармаси бош мутахассиси **Ғайрат Муллаев**, Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси АКТ мутахассиси **Шухратбек Абдуллаев**, Етакчи мутахассис **Жамолидин Ғойматов**,

Бухоро вилояти қурилиш бош бошқармаси бош мутахассиси **Воҳид Тоғбоев**,

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси ҳисобчиси **Клара Берди-ханова**,

Навоий вилояти қурилиш бош бошқармаси Аҳоли пунктларида шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўлими бошлиғи **Юсуф Ҳақбердиев**, Навбаҳор тумани қурилиш бўлими мутахассис-архитектори **Эргаш Тошов**, Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси Қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими бош инспектори **Элёржон Саломов**, “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК Навоий вилояти филиали Архитектура қурилиш бўлими бош мутахассис-конструктори **Анатолий Жохов**,

Наманган вилояти, Қуст тумани қурилиш бўлими бошлиғи в.б. **Махсуд Сайдахмедов**, Шаҳарсозлик қонунчилигига риоя этилишини назорат қилиш архитектори **Шухратжон Тўлабоев**,

Самарқанд вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси бош мутахассиси **Келдияр Ҳолмўминов**, етакчи мутахассислар **Улугбек Уразалиев**, **Ақбар Нурматов**, **Тоҳир Муродов**,

Сирдарё вилояти қурилиш бош бошқармаси бош ҳисобчиси **Жавлонбек Салиев**, Мирзаобод тумани қурилиш бўлими Давлат қурилиш қонунларини назорат қилиш бўйича мутахассис-архитектор **Қодир Иманов**, Қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг маркази бошлиғи **Алишер Сангиров**,

Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳар қурилиш бўлими бошлиғи – бош архитектори **Хайриддин Хушбаков**,

Тошкент шаҳар Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси инспектори **Азиз Ходжаев**,

Фарғона вилояти қурилиш бош бошқармаси бош мутахассиси **Бунёд Ҳамралиев**,

Хоразм вилояти, Хива тумани қурилиш бўлими Объектларни жойлаштириш ва бош режаларини амалга ошириш масалалари бўйича архитектори **Эркин Машарипов**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, фойз-барака, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 майдаги “**Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида**”ги қарорига мувофиқ, 2021 йил 13 май куни Ийд-Рамазон ҳайити байрами нишонланиши ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 майдаги “**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги “2021 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида”**ги ПФ-6122-сон Фармони

га ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги ПФ-6222-сон Фармони билан 2021 йил 14-15 май кунлари қўшимча дам олиш кунлари сифатида белгиланганлиги сабабли газетамизнинг ушбу сони 14 майдаги сони билан қўшилган ҳолда чоп этилаётганини ва газетамизнинг келгуси сони 18 май куни чиқишини маълум қиламиз.



Тахрир хайъати:
Батир Закиров (Тахрир хайъати раиси),
Қозим Туляганов, Эркин Исқандаров,
Ботир Зарипов, Юлдаш Магруппов,
Жамшид Исмаилов, Фолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков.

Тахририят:
Бош муҳаррир
Бош муҳаррир ўринбосари
Саҳифаловчи
Мусаххич

Дилшод Жалолов
Абдусами Ҳақбердиев
Ақмал Махкамов
Марҳамат Муслмонқулова

Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

«Ўзбекистон бунёдкори»
Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиғи,
«Ўзсанотқурилишматериаллари» уюшмаси,
«ЎзГАСҲКЛИТИ» ДУК,
«ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК,
«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ,
«ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

Тахририят манзили:
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
Телефонлар: 71-244-21-71 (қабулхона),
71-244-15-13 (котибият),
71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-15-05 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: uzbunyodkori@umail.uz

Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:
Қорақалпоғистон Республикаси: 90-590-37-15.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-705-50-15
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 90-553-02-34.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сурхондарё вилояти: 91-981-61-63.
Қашқадарё вилояти: 90-230-85-23, 90-163-63-82.
Фарғона вилояти: 90-503-43-39.
Хоразм вилояти: 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-543.
2544 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 5 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳрси келишилган нархда. ISSN 2181-8762. Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилимайди.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Қорхона манзили:
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Навбатчи муҳаррир – А. Ҳақбердиев.
Навбатчи – И. Ибодулло.
ЎзА яқуни – 23.25. Топширилди – 00.55.



*Бутун мусулмон аҳли муқаддас айём
сифатида нишонлайдиган
муборак Рамазон ҳайити
билан барга юрtdошларимизни
самимий қутлайди.*

*Моҳи Рамазонда халқимизга хос бўлган
меҳр-оқибат, саховат ва шукроналик каби
олийжаноб қадриятлар янада утуланади.*

*Аллоҳ, таоло баргамизни имонда
собиққадам қилсин, юртимизни тини,
осмонимизни мусоффо, халқимиз
турмушини фаровон айлсин!*

«ҚИШЛОҚҚУРИЛИШЛОЙИҲА» МЧЖ
бош лойиҳа-қидирув институти жамоаси



*Аҳиллик, бирдамлик
ва ҷомеавийлик айёми —*

**Рамазон
ҳайити**

*билан меҳрибон
халқимизни самимий
табриклаймиз.*

*Қалбларни покловчи
унбў муборак байрам
барчангизга
яхшиликлар
олиб келсин!*

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ
қурилишда танлов савдоларини ташкил
этиш консалтинг
маркази жамоаси

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ
қурилишда танлов савдоларини
ташкил этиш консалтинг
маркази жамоаси

*Бу юрtdа ҳар тонг оғзулар билан отади,
Ҳаётининг ана шундай беғуборликка бой бўлсин.
Аҳил ва меҳр-оқибатли халқимизга
Ҳайит байрами
муборак бўлсин!*

